IQRO JURNALI , IQRO JOURNAL, ИКРО ЖУРНАЛИ
ISSN:2181-4341| wordlyknowledge.uz/index.php/iqro
Volume 21 Issue 02 May 2026

ЎЗБЕК ЭСТРАДА САНЪАТИ МУСИҚАШУНОС ОЛИМЛАР ТАДҚИҚОТЛАРИДА

Иноятова Насиба
Композитор, мустақил тадқиқотчи
https://doi.org/10.5281/zenodo.21609674

Аннотация

Мазкур мақолада ўзбек эстрада санъатининг мусиқашунос олимлар томонидан ўрганилиши таҳлил қилинган. Унда С. Воҳидов, Н. Аманова, О. Беков, Т. Б. Ғофурбеков, Н. С. Янов-Яновская, Д. Амануллаева, Л. Юсупов, Д. Муллажонов, Г. Турсунова, Л. Абидова ва бошқа олимларнинг илмий тадқиқотлари ҳамда ўқув қўлланмалари мазмуни ёритилган. Тадқиқотларда ўзбек эстрада мусиқасининг шаклланиши, миллий хусусиятлари, жанр ва услублари, халқ мусиқаси билан боғлиқлиги, композиторлик ижоди, ижрочилик анъаналари ҳамда замонавий эстрадада кузатилаётган ижодий жараёнлар таҳлил этилган. Шунингдек, эстрада санъати соҳасида мавжуд илмий мерос билан бир қаторда, бугунги кунда янги жанрлар ва замонавий тенденцияларни чуқурроқ ўрганиш зарурати асослаб берилган.

Калит сўзлар

Ўзбек эстрадаси, мусиқашунослик, илмий тадқиқот, эстрада мусиқаси, оммавий қўшиқ, миллий мусиқа, композиторлик ижоди, ижрочилик, халқ мусиқаси, жаз, поп-мусиқа, рок мусиқаси, жанр, услуб, мусиқа маданияти, мусиқий мерос.

Ўзбек мусиқий эстрадаси соҳаси ҳозирги кунга қадар турли авлод мусиқашунослари томонидан тадқиқ қилинганлигини кўрамиз. Масалан, санъатшунослик фанлар номзоди С.Воҳидовнинг “Ўзбек совет қўшиғи”[1] тадқиқотида ўзбек эстрада мусиқасининг XX асрда юзага келиши асосан композиторлик ижоди кесимида ўрганилади ва бунда муаллиф асосий эътиборни “оммавий қўшиқ” хусусиятини касб этган санъат, унинг оҳанг асоси ҳамда унда миллий мусиқа унсурларини тутган ўрни кабилар ҳақида жиддий мушоҳадалар юритади.

Бундан ташқари эстрада жанрига бағишланган кўплаб номзодлик диссертациялари мавжуд. Мазкур диссертациялар қаторида Н.Амановнинг “Ўзбек эстрада мусиқасининг миллий ўзига хослиги жанрлар ривожи кесимида”[2] номли ишида эстрада мусиқасининг устувор жанрлари ва услуб йўналишлари, уларга хос хусусий белгилар ва ҳозирги давр мусиқа маданиятидаги аҳамияти кўриб чиқилган.

Санъатшунослик фанлари номзоди О.Бековнинг “Замонавий ўзбек эстрада қўшиғи Ўзбекистон мусиқа маданияти кесимида” номли тадқиқотида[3] “эстрада” атамаси жуда кенг талқин қилиниб, унинг маъносида умуман саҳнавий санъат, яъни катта ва кичик (ҳатто ашула, мақом ва б.) санъатларнинг асосан саҳна билан боғлиқ намоён бўлиши тушунилади. Шу билан бирга муаллиф миллий эстрада қўшиқларининг келиб чиқиш илдизлари тўғрисида ҳам қизиқарли фикр-мулоҳазаларни баён этган. О.Беков 1980-йиллари ўзбек мусиқий эстрадасида тамойил кучини ола бошлаган кўр-кўрона тақлидчилик ва “кўчирмачилик” ҳолатларини асосли равишда танқид остига олганлиги ҳам эътиборлидир.

[1] Вахидов С. Узбекская советская песня. – Т.; ГИЛИ им. Г. Гуляма, 1976. С.12-17.
[2] Аманова Н. “Ўзбек эстрада мусиқасининг миллий ўзига хослиги жанрлар ривожи кесимида”. – Т. 2019.
[3] Беков О. Современная узбекская эстрадная песня в контексте музыкальной культуры Узбекистана. – Т. СИТИ. М (м) Б. 42 № 931. 1994.

Санъатшунослик фанлар доктори, профессор Т.Б.Ғофурбековнинг “Эстрадизация” узбекского фольклора”[4] мақоласида эстрада соҳасининг мусиқий фольклорга таъсири ҳақида жиддий фикрлар ўртага ташланиб, бу борада эришилган ютуқ ва муаммоли ҳолатлар тилга олинади. Масалан, шу асосда ўзбек эстрада қўшиқчилигида янги фактурали гармоник ҳамда ладо-ритмик сифатлар юзага келгани маълум натижа, албатта. Муаллиф Лариса Москалёва, Севара Назархон ҳамда “Нола” гуруҳи мисолида ўзбек эстрада мусиқасига ижобий уйғунлашаётган хориж (жаз ва б.) мусиқаси анъаналарини теран таҳлил қилади. Аммо шу билан бирга, эстрада қўшиқчилигида “кўчирмачилик” (плагиатлик) салбий ҳолатлари тобора ортиб бораётганлиги ташвишлидир. кучли тамойил сифатида ҳозирлаб келаётган кескин танқид қилинган.

Санъатшунослик фанлар доктори, профессор Н.С.Янов-Яновскаянинг “Ўзбек мусиқа маданиятининг ҳозирги давр ривожланиш босқичи ҳақида” (“О современном этапе развития узбекской музыкальной культуры”) номли мақоласида композитор ва мусиқий эстрада муносабатлари хусусида эътиборли фикр-мулоҳазалар юритилади. Муаллиф мусиқий эстраданинг бугунги кунда жадал ривожланиб бораётганлигини эътироф қиларкан, шу муносабат билан қуйидаги ўта жиддий муаммони ўртага ташлайди: “Эндиликда композиторлик санъати оммавий мусиқа босимига бардош бериши лозим. Санъатни “руҳнинг жиддий меҳнати”дан кўра кўнгилхушлик домига тортаётган поп маданиятнинг ҳужуми айниқса мусиқанинг маънавий кучига таянган Шарқ ҳудудлари учун долзарб муаммо бўлиб қолди”[5].

Санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори Н.Аманованинг мусиқий эстрадага доир илмий мақолалари ҳамда профессор Д.Амануллаева билан ҳамкорликда ёзган “Жаз ва эстрада мусиқаси тарихи”[6] ўқув қўлланмасида шу жабҳада юзага келган турли услуб ва йўналишлар ҳақида зарур маълумотлар берилади. 3 бобга бўлинган қўлланмада мавзулар ва параграфлар алохида ажратилади. Жаз мусиқаси, унинг келиб чиқиш тарихи батафсил ёритилгандан сўнг, олий ўқув юрти талабалари учун асарлар тақдим этилган ва уларнинг ижроси борасида тўхталиб ўтилган. Қисқа қилиб айтганда олий ўқув юрти талабалари учун жаз мусиқасини мустақил ўрганишга ёрдам берувчи қўлланма хисобланади.

Эстрада қўшиқ ижрочилигининг яна бир жабҳаси С.Аманмурадованинг “Традиции песенно-эстрадного искусства Египта и Узбекистана (на примере творчества Умм Кульсум и Батыра Закирова)” (“Миср ва Ўзбекистоннинг эстрада қўшиқчилик санъати анъаналари (Умм Гулсум ва Ботир Зокиров ижоди мисолида”)[7] мавзуидаги номзодлик диссертациясида ёритилган. Мазкур иш ўзбек миллий ва Яқин Шарқ қиёсий мисолида эстрада мусиқасининг минтақавий хусусиятларига оид ўзбек мусиқашунослигида мавжуд бўшлиқни бир қадар тўлдириши билан ҳам аҳамиятлидир. Л.А.Юсуповнинг “Основные этапы становления и развития узбекской музыкальной эстрады” (“Ўзбек мусиқий эстрадасининг шаклланиши ва тараққиётининг асосий босқичлари”)[8] мавзуидаги номзодлик диссертациясида илк бор ўзбек эстрада мусиқасининг учта асосий даври аниқланган бўлиб, уларнинг тарихий аҳамияти асослаб берилган.

---

[4] Ғофурбеков Т.Б. «Эстрадизация» узбекского фольклора: PRO ET CONTRA // Анъанавий маданиятни сақлаш муаммолари: Бойсун баҳори Халқаро илмий конференция материаллари. – Бойсун, 2003. – Б. 23-24.

[5] Янов-Яновская Н.С. О современном этапе развития узбекской музыкальной культуры. // Ж. Общественные науки в Узбекистане. – 1992. № 5-6.

[6] Амануллаева Д., Аманова Н. История джаза и эстрадной музыки.; Аманова Н. Основные этапы развития узбекской эстрадной музыки. – Т.: Санъат, 2010

[7] Аманмурадова С.Ч. Традиции песенно-эстрадного искусства Египта и Узбекистана (на примере творчества Умм Кульсум и Батыра Закирова): автореф. дис. канд. искусст. – Ташкент, 1995. – 28 с.

[8] Юсупов Л.А. Основные этапы становления и развития узбекской музыкальной эстрады: автореф. дис. канд. искусст. – Москва, 1996. С. 25.

Ўрганилаётган мавзу кесимида санъатшунослик фанлари номзоди Д.М.Муллажоновнинг илмий изланишлари алоҳида аҳамият касб этади. Чунки муаллиф “1990-йиллар ўзбек мусиқий эстрадасида оҳанг муаммоси”[9] мавзуида номзодлик диссертациясини ёзади. Ўзбекистон композиторларининг эстрада йўналишига оид асарлари ва бу борада юзага келган ижодий тамойиллар, шунингдек, оммавий эстрада қўшиқларининг оҳанг тизими ҳамда бу намуналарда миллий бадиий анъаналарнинг талқини каби масалалар тавсиф этилади ҳамда шу асосда бир қатор илмий мақолаларини матбуотда эълон қилган эди.

Ўзбекистон давлат консерваторияси “Мусиқа тарихи ва танқиди” кафедраси доценти Гулшаной Турсунова ўзининг “Ўзбекистонда эстрада санъатини шаклланиш ва ривожланиш босқичлари” номли тадқиқотида Х.Х.Ниёзий давридан бошлаб ҳозирга қадар Ўзбекистонда эстрада санъатининг шаклланиш ва ривожланиш жараёнида ўз ҳиссаларини қўшган ижодкор ва ижрочиларнинг ижодий фаолиятлари ҳақида батафсил тавсилотлар берадилар. Муаллифнинг “Карим Зокиров ва унинг сулоласи – XX аср Ўзбекистон мусиқа маданияти кесимида”[10] номзодлик диссертациясида эса, хусусан, оммавий мусиқада ўзбек миллий мусиқа анъаналаридан фойдаланишнинг айрим масалалари ўрганилади. Шунингдек, муаллиф Зокировлар оиласига мансуб ҳар бир ижодий шахс фаолиятини алоҳида тадқиқ этиш асносида сулолага атрофлича илмий тавсиф беришга эришган.

Л.Абидованинг “Жаз тарихи ва замонавий эстрада мусиқий услублари” китоби академик лицей ва мутахассис коллежлар учун қўлланма бўлиб, унда эстрада мусиқаси уч даврга бўлиб ўрганилган. Ҳар бир даврнинг ўзига хос жанрлари тўғрисида маълумотлар келтирилади. Мазкур китобда жаз, рок мусиқаси ва поп мусиқасига катта эътибор берилиб, уларнинг тарихи ва бугунги кундаги ахамияти кўриб чиқилади.

Бундан ташқари эстрада санъатига бағишланган кўпгина ўқув қўлланмалар мавжуд. Улар Д.Амануллаеванинг “Эстрада ва жаз вокализлари”[11] қўлланмаси, Н.Норхўжаевнинг “Импровизация” ва Г.Халиковнинг “Импровизация”[12],номли ўқув қўлланмалари[13] Ю.Тўраев “Ўзбек эстрада хонандалиги”[14] ўқув қўлланмаси, М.Ўринбоеванинг “Эстрада хонандалигига ўқитиш услубиёти” [15]номли ўқув қўлланмаси, А.Хайдаровнинг “Вокал”[16] ўқув қўлланмаси, Р.Носировнинг “Эстрада санъати” номли ўқув қўлланмаси[17] ва Н.Қаххоровнинг “Вокал асослари” номли дарслиги[18] ва шу каби яна юзлаб ўқув қўлланма ва дарсликлар мавжуд.

Қисқача хулоса қиладиган бўлсак, юқорида номлари келтирилган номзодлик ишлари, дарслик ва ўқув қўлланмалар ва илмий мақолалар эстрада санъатини ёритиб беришга хизмат қилади. Улар аниқ, тушунарли ва ҳар ёқлама бўлиб, ўқув ва ижодий жараёнга катта хизмат қилади. Бундан ташқари олий таълим жараёнида талабаларнинг илми ва дунёқарашини кенгайтиришга катта ҳисса қўшади.

Лекин, бугунги кунда янги жанрлар турли “экспериментал“ асарларнинг пайдо бўлиши ва даврнинг фаол шиддат билан ривожланиши яна кўплаб тадқиқотларни, илмий ишларни ўзига талаб қилади. Ўзбек эстрада мусиқасининг босиб ўтган улкан тарихий

---

[10] Турсунова Г.А. Карим Зокиров ва унинг сулоласи – XX аср Ўзбекистон мусиқа маданияти кесимида: сан. фан. номз. дисс. автореф., – Тошкент, 2006. 25-б.
[11] Амануллаева Д. Эстрада ва жаз вокализлари. ОТМ учун ўқув қўлланма – Т. 2014.
[12] Халиков Г.Импровизация. – Т. 2003.
[13] Норхўжаева Н. Импровизация. – Т., 2009.
[14] Тўраев Ю. Ўзбек эстрада хонандалиги. – Т. 2004.
[15] Ўринбоева М. Эстрада хонандалигига ўқитиш услубиёти. – Т. 2021.
[16] Хайдаров А. Вокал. – Қўқон. 2019.
[17] Носиров Р. Эстрада санъати. – Т. 2009.
[18] Қаххоров Н. Вокал асослари. – Т. 2008.

жараёни ва мазкур жараён натижасида бизгача етиб келган нодир илмий ишлари ва дурдона асарлар санъат оламидаги ноёб мерос ҳисобланади. эстрада мусиқаси ва унинг тарихи, ундаги асосчи ижодкорлар шу жумладан композиторлар ва хонандаларнинг ижодий фаолияти Ўзбек эстрада мусиқасини жаҳон миқёсида юксалишига хизмат қилувчи муҳим омилдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Амануллаева Д. Эстрада ва жаз вокализлари. – Т., 2014.
2. Амануллаева Д. Эстрада хонандалиги. – Т.: Мусиқа, 2015.
3. Амануллаева Д., Аманова Н. История джаза и эстрадной музыки. – Т.: Санъат, 2010.
4. Амануллаева Д. «Эстрада ва жаз вокализлари» ОТМ учун ўқув қўлланма, Т., 2014.
5. Амануллаева Д. «Эстрада хонандалиги» магистратура учун ўқув қўлланма, ,Т., «Мусиқа», 2015.
6. Амануллаева Д., Аманова Н. История джаза и эстрадной музыки. Т.: Санъат, 2010.